

Япония мусулмон сайёҳларни жалб қилишга катта эътибор қаратмоқда



09:34 / 04.01.2019 2633

Мусулмон сайёҳларнинг Японияга келишини кўпайтириш мақсадида олиб борилаётган тизимли ишлар мамлакатда ҳалол ресторан ва меҳмонхоналарнинг ислом шариатига мувофиқ равишда ривожланиб боришига олиб келмоқда, дейди IQNA ахборот агентлиги NST хабар манбасига таянган ҳолда.

Мамлакат расмийлари япон тадбиркорлари хорижий сайёҳларнинг келиши учун ҳар қандай талаб ва таклифларни бажаришга тайёр эканликларини маълум қилишган. Ҳозирда мамлакатнинг турли бурчакларида мусулмон сайёҳларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун ҳалол меҳмонхоналар ташкил этилмоқда. Ҳалол таомхоналар Япониянинг халқаро аэропортларида ҳам мавжуд. Келажакда ушбу аэропортларни

мусулмон сайёҳларнинг эҳтиёжларига янада мослаштиришга қаратилган режалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган ой Японияда мусулмон аёллар учун мода намойиши ташкил этилган бўлса, Токиода ҳалол маҳсулотлар кўрғазмаси ўтказилди. Кўрғазмада ҳалол маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи Сингапурнинг асосан 10 та компанияси фаол қатнашди. Ўтган йили арзон рейслар туфайли Япония ижтимоий медиа орқали мисли кўрилмаган даражада мусулмон сайёҳларни қабул қилишга муваффақ бўлган. Индонезиянинг ўзидан 360 минг сайёҳ ташриф буюрган.

Ўтган йиллардаги тажрибалардан келиб чиқиб, барча ҳалол меҳмонхоналарда қибла аниқлаб қўйилди, ҳалол ошхоналарда япон таомлари бўйича тайёрланган таомлар етказиб берилди бошланди, алкоголь сотувдан олиб ташланди. Ўтган ой Япония ва Малайзия ўртасида ҳалол савдо-сотиқни ривожлантиришга қаратилган меморандум имзоланди. Бу ҳаракатларнинг барчаси мусулмон сайёҳларнинг Японияга ташрифини яна кўпайтиришдан иборатдир.

Агар 2006 йилда Японияга 6 млн сайёҳ келган бўлса, 2018 йилда бу рақам 31 млн ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, Осиё қитъаси 2017 йилда Европадан кейин дунёдаги энг йирик сайёҳлик бозорига айланди. Бу ривожланишга мобил технологиялар ва интернет тармоғининг кенгайтирилиши асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти